

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА  
РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**570** Корхоналарнинг молиявий тўлов қобилиятини соғ-  
ломлаштириш ҳамда тиклашнинг намунавий режаси-  
ни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил  
29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 352-1*

*(2012 йил 8 январдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 мартдаги  
ПҚ–1293-сон «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақо-  
батни ривожлантириш давлат қўмитасининг фаолиятини ташкил этиш тўғри-

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й.*

сида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 9-сон, 67-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 июндаги 105-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 23-сон, 182-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Иқтисодий ночор аҳволдаги корхоналар билан ишлаш қўмитаси томонидан 1997 йил 31 мартда тасдиқланган Корхоналарнинг молиявий тўлов қобилиятини соғломлаштириш ҳамда тиклашнинг намунавий режаси (рўйхат рақами 352, 1997 йил 3 июль) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Раис в.б.**

**У. ТУРДИЕВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 15 декабрь,  
10-сон

**Келишилган:**

*Молия вазири*

*Р. АЗИМОВ*

*2011 йил 15 декабрь*